



САМАРҚАНДГА ТАШРИФ: ҲАЙРАТ ВА ҲАВАС

Ислом ҳамкорлик ташкоти Ташқи ишлар вазирлари кенгашининг Тошкентда ўтган 43-сессияси иштирокчилари 19 октябрь куни Самарқанд шаҳрига ташриф буюрди. Меҳмонлар Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Каримов қабрини зиёрат қилди. Қуръон тиловат қилинди.



Буюк йўлбошчимизнинг мустақил Ўзбекистон давлатини барпо этиш ва уни ҳар томонлама ривожлантиришдаги беқиёс хизматлари ёдга олинди. Юртимиздаги муқаддас қадимки ва зиёратгоҳлар, буюк аждодларимиз номи билан боғлиқ масканларни обод этиш, халқимизнинг маънавий меросини тиклаш ва асраб-авайлаш борасида Биринчи Президентимиз улкан жасорат, эътибор ва ғамхўрлик кўрсатгани алоҳида таъкидланди.

Меҳмонлар Имом Бухорий ёдгорлик мажмуаси, Амир Темур мақбараси, Регистон ансамбли, Мирзо Улугбек музейи ва расадхонаси билан танишди. — Ислом ҳамкорлик ташкоти Ташқи ишлар вазирлари кенгашининг 43-сессиясига жуда катта тайёргарлик қўрилгани ва анжуман юқори савияда ўтганини алоҳида таъкидламоқчиман, — дейди Ироқ ташқи ишлар вазири ўринбосари Умар Берзинжи. — Тадбир доирасида Тошкент ва

Самарқанд шаҳарларидаги муқаддас қадимкилар, таълим масканларига уюштирилган саждаҳатлар бизда улкан таассурот қолдирди. Айниқса, ер юзининг сайқали бўлган Самарқанд шаҳри, Имом Бухорий мажмуасини зиёрат қилиш имконияти яратилганидан бениҳоя хурсандимиз. Бу сафар ҳаётимизда шубҳасиз унутилмас воқеа бўлиб қолади. Буюк муҳаддис Имом Бухорий ҳазратлари мангу ором топган масканнинг шундай кўркам ва улғувор салобатидан ҳайратга тушди.

— Ўзбекистонда муқаддас зиёратгоҳлар, масжидларни обод этиш, уларни асраб-авайлаш борасида амалга оширилаётган ишлар ҳар қанча таҳсинга сазовор, — дейди Мали ташқи ишлар вазири ходими Бен Азиз Рақони. — Бу давлатимизнинг ушбу соҳага алоҳида эътибор кўрсатаётганидан далолатдир. Халқро анжуман доирасида энг катта орзуларимдан бири ушалиб,

муҳаддислар султони Имом Бухорий мақбарасини зиёрат қилиш насиб этгани учун Яратганга беҳисоб шукроналар айтман. Маъмуанинг ўзига хос миллий архитектураси, ободлигини кўриб пол қолдим. Ушбу масканга яна келишни ният қилдим.

Самарқанд автомобилсозлик коллежидаги таълим жараёнилари билан танишув чоғида мамлакатимизда Биринчи Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида халқро андозаларга мос миллий таълим моделини яратиш борасида оламшумул ишлар амалга оширилгани таъкидланди. Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг ҳаётиятга татбиқ этилиши, «Таълим тўғрисида»ги ва соҳага оид бошқа қонунлар асосида замон талабларига тўла жавоб берадиган миллий таълим тизимига асос солинди. Айни пайтда дунёнинг кўплаб минтақаларида болаларнинг ўқиши оғир муаммага айланиб бораётган бир пайтда Ўзбекистонда

умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-хунар таълимини ўз ичига олган, давлат томонидан қамролланган 12 йиллик бепул мажбурий таълим тизими жорий этилган. Бунинг натижасида мамлакатимиз ёшлари билим олиш билан бирга, касб-хунар эгаллаб, жамиятда ўз ўрнини топомқда. Мазкур муассасалар битирувчиларининг бандлигини таъминлаш масаласи ҳам давлатимизнинг доимий эътиборида экани меҳмонлар томонидан алоҳида эътироф этилди, ўргатса арзигulik тажриба сифатида қайд этилди.

— Автомобилсозлик бўйича тўрт йўналишда ўндан ортиқ мутахассислар тайёрланадиган мазкур муассасада ўқувчиларнинг билим олиши, касб-хунар ўрганиши учун яратилган шароит олий ўқув юртлари даражасида экани эътиборимни тортди, — дейди Иорданиянинг Ислом ҳамкорлик ташкотидаги вакили Махид Талжи. — Бу

Ўзбекистонда давлат томонидан таълим соҳасига бўлган жуда катта эътибор самарасидир. 17-18 ёшли йигит-қизларнинг замонавий техника ва технологиялардан фойдаланиб, автомобилсозликнинг мураккаб жараёнларини пухта ўрганаётгани ҳавасимизни келтирди. Коллеж битирувчиларининг асосий қисми Самарқанддаги автомобиль заводлари ва уларга техник хизмат кўрсатиш марказларида ишлаётгани янада эътиборлидир.

Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти қошидаги 1-академик лицейга ташриф буюрган меҳмонларга муассаса раҳбарлари бу ерда яратилган шароит ва имкониятлар ҳақида сўзлаб берди. Бир неча хорижий тилларда эркин сўхбатлашган ёшларнинг билими, интилиш ва шижоати меҳмонларда катта таассурот қолдирди. Аниқ, ижтимоий-гуманитар ва табиий фанлар, хорижий филология йўналишларида 1350 ўқувчи таълим олаётган ушбу академик лицейнинг 3 нафар кизи Зулфия номидаги Давлат мукофотига сазовор бўлган. Кейинги беш йилда ўнга яқин ўқувчи халқро фан олимпиадаси ғолиблигини кўлга киритган. 50 дан ортиқ йигит-қиз мамлакат ва халқро спорт мусобақаларида муносиб иштирок этган.

— Ўзбекистон заминидан диний ва дунёвий илмларда жаҳонга машҳур алломалар етишиб чиққанини яхши биламиз, — дейди Гамбиянинг Ислом ҳамкорлик ташкотидаги вакили Умар Саллох. — Уларнинг буюк хизматлари ҳамон ҳайрат ва ҳавас билан ўрганилади. Бугун замонавий таълим масканларида тахсил олаётган ёшлар билан суҳбатлашиб, уларнинг фикрлари эшитиб, бу табаркур юртда улғу аждодларига муносиб авлодлар камолга етаётганига амин бўлдим. Бундай авлод буюк ишларга қодир.

Ҳ.ҲАСАНОВ,
ЎЗА мухбири.

САЙЛОВ — 2016

Наманган шаҳридаги Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи 79-сайлов участкасида кўргазмали семинар ташкил этилди.

МУҲИМ ТАДБИРГА ПУХТА ТАРАДДУД

Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти раҳнамолигида мамлакатимизда сайловларни ўтказишнинг халқро андозаларга мос мустақам ҳуқуқий асоси яратилгани ушбу муҳим сиёсий тадбирнинг тенглик, ошқоралик ва демократик тамойиллар асосида ўтишини таъминлашда муҳим омил бўлаётгани таъкидланди.



— «Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида»ги қонунга мувофиқ, сайловчиларнинг ўз хоҳиш-иродасини эмин-эркин ифода этиши учун округда ташкил этилган 690 сайлов участкасида барча шароит яратилмоқда, — дейди 6-Наманган округ сайлов комиссияси раиси П.Маткаримов. — Жойларда ташкил этилган намунали сайлов участкаларида кўргазмали семинарлар ўтказилиб, бу боралдаги илғор тажрибалар оммалаштирилаётгани яхши самара бермоқда. Мазкур семинарда нафақат Наманган шаҳри, балки барча туманлар вакиллари, вилоят бошқармалари мутасаддилари ҳам иштирок этди.

Тадбир доирасида ўтказилган 6-Наманган округ сайлов комиссиясининг навбатдаги йиғилишида шаҳар ва туманлар ҳокимлари биринчи ўринбосарларининг сайлов участкаларини жиҳозлаш, ҳудудларни ободонлаштириш ва бошқа ташкилий тадбирлар бўйича амалга оширилган ишлар юзасидан ахбороти тингланди.

Наманган шаҳрида 389 минг 349 сайловчи рўйхатга олинган бўлиб, уларнинг ўз конституциявий ҳуқуқидан эркин фойдаланиши, танлаган номзодига овоз бериши учун ҳар томонлама қулай ва замонавий биноларда 140 сайлов участкаси ташкил этилган.

Семинар иштирокчиларига сайлов участкаларини муҳим сиёсий тадбирга тайёрлаш Наманган шаҳридаги 79-сайлов участкасида амалга оширилган ишлар мисолида намоён этилди. Наманган агротадбиркорлик ва маиший хизмат касб-хунар коллежида ташкил этилган ушбу сайлов участкасида 2 минг 998 фуқаро овоз беради. Уларнинг 90 дан зиёди биринчи марта овоз берадиган ёшлардир.

Коллеж фойсидида сайловга доир кўргазмали воситалар, овоз бериш кабиналари, бюллетенлар ҳамда сайлов варақалари ташлаш учун стационар ва кўчма кутилар ўрнатилган. Махсус жиҳозланган она ва бола хонасида барча шароит яратилган. Тиббиёт хоналари зарур дори-дармон воситалари билан таъминланган. Бу ерда сайлов куни малакали шифокор ва ҳамшираларнинг навбатчилиги ташкил этилади. Кузатувчилар, оммавий ахборот воситалари ходимлари учун ҳам қулайликлар яратилган.

А.САТТОРОВ,
ЎЗА мухбири.

АВИАЦИЯ ҲОДИСАСИГА ДОИР ХАБАР

2016 йил 18 октябрь куни Фарғона вилояти ҳудудида Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигининг режа асосида парвоз қилган Ми-171 вертолети ҳалокатга учради. Ҳалокат оқибатида 3 экипаж аъзоси ва вертолётда бўлган Ўзбекистон Республикаси Куролли Кучларининг 6 ҳарбий хизматчиси ҳалок бўлди.

Авиаҳалокат сабабларини текшириш бўйича махсус комиссия ташкил этилди.

Ўзбекистон раҳбарияти ҳалок бўлганларнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур ҳамдардлик билдиради.

Ўзбекистон Республикаси
Мудофаа вазирлигининг
матбуот хизмати.

ҚОНУН ВА ШАРҲ

Ижтимоий хизматлар сифати янада яхшиланади

Ижтимоий ҳимоя тушунчаси нафақат ижтимоий ёрдам ва нафақалар билан таъминлаш, шу билан бирга, ижтимоий хизматлар кўрсатиш тизимини изчил ривожлантириш масаласини ҳам қамраб олади. Бу, ўз навбатида, аҳолининг ҳар томонлама фаоллигини оширишга, жамият ҳаётида тўлақонли иштирокини қамроллашга хизмат қилади.

ЎЗХДП МАҲАЛЛИЙ КЕНГАШЛАРИДА

Навқирон авлод камолоти доимий эътиборда

Оҳангарон туманида «Ўзбекистон Республикасининг «Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида»ги қонунининг ёш авлод камолотида тутган ўрни» мавзусида давра суҳбати бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Тошкент вилояти кенгаши томонидан ташкил этилган тадбирда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва халқ депутатлари вилоят Кенгаши депутатлари, умумтаълим мактаблари, ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари педагоглари, ёшлар ва оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

Ўзбекистон ёшлари ўзининг истеъдоди ва салоҳияти билан дунё аҳлини лол қол-

дираётгани, илм-фан, ишлаб чиқариш, маданият, санъат, спорт ва бошқа соҳаларда буюк аждодларга муносиб ворислар эканини исботлаётгани алоҳида таъкидланди. Эришилаётган ютуқларнинг барчаси Биринчи Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида мустақиллик йилларида амалга оширилган ёшларга оид давлат сиёсатининг амалий самараларидир.

— Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, «Таълим тўғрисида»ги ва бошқа қонунлар, қатор фармон ва қарорлар, дастурлар ёшларнинг замонавий билим олиши, истеъдодини юзага чиқариши, бандлигини таъминлаш, уларни ижтимоий ҳимоя қилиш, ватанпарварлик, миллий ва

умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялашда муҳим дастуриламал бўлиб хизмат қилмоқда, — дейди Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Шухрат Турсунбоев. — Жорий йил 15 сентябрдан кучга кирган Ўзбекистон Республикасининг «Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида»ги қонуни ҳам, аввало, фарзандларимиз келажагини таъминлашдек олий мақсадни кўзлайди.

Асосан педагоглар ва ёшлар иштирок этган йиғилишда мазкур қонуннинг мазмун-моҳияти ҳамда «Мамлакатимизда амалга оширилаётган ёшларга оид давлат сиёсатининг ҳуқуқий, ижтимоий ва ташкилий асослари», «Ёшларнинг ижтимоий-сиёсий ва

ҳуқуқий фаоллигини янада ривожлантиришга қаратилган лойиҳалар аҳамияти», «Партия дастурий мақсад ва ғояларида ёшлар масаласи» мавзуларида маърузалар тингланди.

Тадбирда партия томонидан амалга оширилаётган «Коллеждан — корхонага» мақсадли лойиҳаси доирасида ўтказилган семинар, меҳнат ярмаркалари ҳамда ёшларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, ёш сиёсатчиларни шакллантириш мақсадида ташкил этилган «Ёш сиёсатчи» кўрик-танлови хусусида атрафлича маълумот берилди.

И.АВВАЛБОВ,
ЎЗА мухбири.

ФРАКЦИЯ ЙИГИЛИШИ

ДОЛЗАРБ ҚОНУН ЛОЙИҲАЛАРИ МУҲОКАМА ЭТИЛДИ



2

2

ФРАКЦИЯ ЙИГИЛИШИ

■ Коррупцияга қарши курашишнинг асосий йўналишларидан бири аҳолининг ҳуқуқий онги ва маданиятини ошириш, жамиятда коррупцияга қарши муросасизлик муносабатини шакллантиришдир.

ДОЛЗАРБ ҚОНУН ЛОЙИХАЛАРИ МУҲОКАМА ЭТИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг қонунчилик ташаббуси билан Олий Мажлис Қонунчилик палатасига «Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида»ги Қонун лойиҳаси киритилганидан хабарингиз бор.

Шу кунларда сиёсий партиялар фракциялари йиғилишларида мазкур Қонун лойиҳаси атрофида муҳокама этилмоқда. Ўзбекистон ХДП фракциясининг йиғилишида ҳам ушбу ҳужжат лойиҳаси биринчи ўқишда кўриб чиқилди.

Қонун лойиҳаси коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги муносабатларни тартибга солиш мақсадида ишлаб чиқилган.

Фракция аъзоларининг таъкидлашича, юртимизда демократик ҳуқуқий давлат ва кучли фуқаролик жамиятини ривожлантириш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш, суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ этиш бўйича изчил ислохотлар амалга ошириб келинмоқда. Иқтисодий эркинлаштириш, ишчанлик муҳитини яхшилаш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик учун қулай шароит яратиш, маъмурий тўсиқларни бартараф этиш ҳамда лицензиялаш ва рухсат бериш тартиб-таомилларини соддалаштириш, давлат харидларининг механизмларини такомиллаштиришга қаратилган қонун

ҳужжатлари қабул қилинди. «Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида»ги Қонун лойиҳаси бу борадаги ишларнинг мантиқий ва узвий давоми ҳисобланади.

— Ушбу меъёрий ҳужжат фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари ҳимоя қилиниши, давлат ва жамият институтларининг самарали ҳамда барқарор фаолият кўрсатишини таъминлаш, коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, уларни аниқлаш, оқибатлар, сабаблар ва шарт-шароитларни бартараф этишга қаратилган, — дейди **Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон ХДП фракцияси аъзоси Аксавли Тумишова**. — Коррупцияга қарши курашишнинг асосий йўналишларидан бири аҳолининг ҳуқуқий онги ва маданиятини ошириш, жамиятда коррупцияга қарши муросасизлик муносабатини шакллантиришдир. Бу жараёнда фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлар иштироки муҳим ўрин тутади. Шунинг учун Қонун лойиҳасида тегишли меъёрлар



Самар ШОТЎЛДАНОВ олган суратлар.

белгилаб кўйилмоқда. Уларга кўра, фуқаролик жамияти институтлари коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги давлат дастурлари ва бошқа дастурларни ишлаб чиқиш, амалга ошириш, аҳолининг ҳуқуқий онги ва маданиятини кучайтиришда фаол иштирок этади, қонун ҳужжатларининг ижро этилиши устидан жамоатчилик назоратини амалга оширади.

Ўз навбатида давлат органлари ва бошқа ташкилотлар ҳодимларининг ҳуқуқий саводхонлигини юксалтириш масаласи ҳам Қонун лойиҳасидан алоҳида ўрин олган.

Мазкур ҳужжат бошқа шахсларнинг қонуний манфаатларига, жамият ҳамда давлат манфаатларига, анъаналар ва урф-одатларга нисбатан ҳурмат билан муносабатда бўлиш руҳини шакллантиришга хизмат қилади.

Мазкур Қонун лойиҳаси фуқароларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга, давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг масъулиятини кучайтиришга қаратилган. Бу эса Ўзбекистон ХДПнинг Сайловолди дастурида белгиланган ижтимоий тенглик, ижтимоий бирдамлик, ижтимоий демократия тамойилларига мос келади.

Фракция аъзолари, шунингдек, **«Маъмурий қамокни ўташ тартиби тўғрисида»ги Қонун лойиҳасини** ҳам муҳокама қилишди.

— Қонун лойиҳасида маъмурий қамокни ўташ

тартиби билан боғлиқ муносабатлар қамраб олинган, — дейди **Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон ХДП фракцияси аъзоси Шухрат Мамажонов**. — Унда маъмурий қамокни ўташ принциплари, тартиби ва шарт-шароитлари, маъмурий қамокқа олинган шахсларнинг ҳуқуқий ҳолати, эркинликлари ва қонуний манфаатлари белгилаб кўйилмоқда. Мазкур ҳужжат бошқа шахсларнинг қонуний манфаатларига, жамият ҳамда давлат манфаатларига, анъаналар ва урф-одатларга нисбатан ҳурмат билан муносабатда бўлиш руҳини шакллантиришга хизмат қилади.

Таклиф этилаётган Қонун лойиҳаси қонунчиликдаги бўшлиқни тўлдирди, маъмурий қамокни ўташ билан боғлиқ муносабатларни тартибга солиш, яхлит тизимга келтиришда муҳим ўрин тутади, деб ўйлаймиз.

Депутатлар билдирган фикр-мулоҳазалардан келиб чиқиб, Ўзбекистон ХДП фракцияси қонун лойиҳаларини биринчи ўқишда концептуал жиҳатдан қўллаб-қувватлаш ҳақида қарор қабул қилди.

Гулрух ОДАШБОВА,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ЎзХДП «ИСТИҚБОЛ» ЁШЛАР ҚАНОТИ

Ўзбекистон ХДП Тошкент шаҳар кенгаши ҳамда Тошкент шаҳар ҳокимлиги ҳамкорлигида ёшлар билан учрашув ўтказилди. Унда депутатлар, ҳокимлик мутахассислари, фаоллар ҳамда «Ёш сиёсатчилар» клуби координаторлари иштирок этди. «Истиқбол» ёшлар қанотининг «Депутат ва ёшлар» лойиҳаси доирасида бўлиб ўтган тадбирда мамлакатимизда ёшларга яратилаётган шароитлар, кенг қамровли ислохотлар хусусида сўз борди.

ЁШ СИЁСАТЧИЛАР БИЛАН УЧРАШУВ

Тошкент шаҳар ҳокими ўринбосари, хотин-қизлар қўмитаси раиси **Фарида Абдурахимова** шаҳар Кенгаши сессияларида ёшларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя

Ёшларимизни бўлажак раҳбарлар, депутатлар сифатида тарбиялаш, уларнинг билим ва кўникмаларини ошириб бориш мақсадида туркум тадбирлар ўтказилмоқда.

қилиш бўйича кўриб чиқилган масалалар ҳамда уларнинг аҳамиятига эътибор қаратди. Ўзбекистон Республикасининг «Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида»ги Қонунида белгиланган вазифалар, уларнинг мазмун-моҳияти ҳақида алоҳида тўхталиб ўтди.

Учрашувда ёш сиёсатчилар Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши фаолияти билан яқиндан танишиш имконига эга бўлишди.

— Партиямиз Сайловолди дастурига кўра аҳоли, аynиқса, ёшлар бандлигини таъминлаш устувор вазифа саналади, — дейди **ЎзХДП Шайхонтоҳур туман кенгаши раиси ўринбосари Сардор Дўстмуҳамедов**. — Шунинг учун депутатларимиз жойларда мазкур масалани ўрганиб, камчиликларга ечим топиш юзасидан муайян чора-тадбирлар олиб бормоқда. Ёшларимизни бўлажак раҳбарлар, депутатлар сифатида тарбиялаш, уларнинг билим ва кўникмаларини ошириб бориш мақсадида туркум тадбирлар ўтказилмоқда. Сиёсий ўқувлар, дебатлар, қонунлар ойлги ҳамда депутатлар билан мулоқотлар шулар жумласидан. Ўйлайманки, бу каби тадбирлар ёшларда янги фикр ва гоялар туғилишига замин яратади.

Учрашувда Тошкент шаҳар ҳокимлиги ташкилий назорат бўлими бош мутахассиси Мурод Исабев, ҳудудларни комплекс ривожлантириш йиғма бош бошқармаси бошлиғи ўринбосари Наримон Исмоилов ва бошқалар ҳокимликдаги иш жараёни ҳақида атрофлича тушунча берди. Хусусан, ҳокимлик фаолиятида кадрларга қўйилаётган талаблар, ҳодимларнинг вазифалари, ҳуқуқ ва бурчлари ҳақида сўз юритилди. Сиёсий партия фаоллари ҳамда депутатлар билан ҳамкорликда олиб борилаётган ишлар юзасидан маълумотлар тақдим этилди.

Зилола УБАЙДУЛЛАЕВА,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

■ ҚОНУН ВА ШАРҲ

ИЖТИМОЙ ХИЗМАТЛАР СИФАТИ ЯНАДА ЯХШИЛАНАДИ

Мамлакатимизда кексалар, жисмоний имконияти чекланганларга эътибор қаратиш, уларнинг ҳолидан хабар олиш, ғам-хўрлик кўрсатиш учун зарур шарт-шароит яратилмоқда. Айниқса, ижтимоий кўмакка эҳтиёжманд кишиларни қўллаб-қувватлаш, иш шароитида энгиллик яратиш, соғлиқни сақлаш, таълим соҳаларида кўрсатилаётган ижтимоий хизматлар сифатини ошириш бўйича кенг қўламли ишлар олиб борилмоқда. Бу масалалар қонунчиликда янада мустаҳкамланмоқда. Олий Мажлис Сенатининг яқинда бўлиб ўтган еттинчи ялпи мажлисида маъқулланган «Кексалар, ногиронлар ва аҳолининг бошқа ижтимоий эҳтиёжманд тоифалари учун ижтимоий хизматлар тўғрисида»ги Қонун шулар жумласидандир.

Ижтимоий ҳимоя тушунчаси нафақат ижтимоий ёрдам ва нафақалар билан таъминлаш, шу билан бирга, ижтимоий хизматлар кўрсатиш тизимини изчил ривожлантириш масаласини ҳам қамраб олади. Бу, ўз навбатида, аҳолининг ҳар томонлама фаоллигини оширишга, жамият ҳаётида тўлақонли иштирокини кафолатлашга хизмат қилади. Шу жиҳатдан олиб қарасак, ушбу Қонун долзарб ҳаётий аҳамиятга эга экани яққол намоён бўлади.

Мазкур Қонуннинг мазмун-моҳияти, аҳамиятли жиҳатлари ҳақида Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатларининг фикр-мулоҳазалари билан қизиқдик.



Шухрат Турсунбоев,
Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги ЎзХДП фракцияси аъзоси:

— Аввало, ижтимоий хизматлар тушунчасига тўхталиб ўтиш ўринли бўлади. Қонунга кўра, бу тушунча ижтимоий хизматлар кўрсатишга мўлжал қилинган ҳаёт тарзи сифатини ошириш, жамият ҳаётида бошқа фуқаролар билан тенг ҳолда



Бунёджон Эшонқулов,
Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги ЎзХДП фракцияси аъзоси:

— Инсон манфаатини олий қадрият, деб биладиган давлат ўз фуқароларининг фаровон турмуши ва саломатлигини муҳофаза қилишга алоҳида эътибор қаратади. Жамиятнинг маънавий даражаси эса ёрдамга эҳтиёжманд инсонларга муносабати билан ҳам белгиланади. Шу боис мамлакатимизда кексаларни ижтимоий муҳофаза қилиш, ногиронларнинг ҳамма қатори яшаши, таълим олиши ва

иштирок этиш учун имконият яратиш ва уларнинг асосий ҳаётий эҳтиёжларини мустақил равишда қондириш имкониятларини кенгайтириш мақсадида ёрдам кўрсатиш бўйича чора-тадбирлар комплексидир.

Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш ҳар қандай даврда ҳам давлат ва жамият олдида турган энг муҳим, долзарб вазифалардан ҳисобланади. Чунки одамларнинг турмуш тарзи, кайфияти, амалга оширилаётган ислохотларга муносабати қандай бўлиши, аввало, улар қай даражада ижтимоий ҳимояланганлиги билан бевосита боғлиқ. Ушбу Қонун бу борадаги ислохотларни янада янги босқичга кўтаришга хизмат қилиши билан аҳамиятлидир.

Айтиш керакки, мазкур ҳуқуқий ҳужжат орқали аҳолининг қўллаб-қувватлашга эҳтиёжманд қатламларига ижтимоий хизматлар кўрсатишнинг комплекс тизими яратилади. Унда ижтимоий хизматлар

ишлаши учун зарур шарт-шароитлар яратилмоқда. Қонунларимизда уларга алоҳида имтиёзлар белгиланмоқда.

Масалан, кексалар, ногиронлар ва аҳолининг бошқа ижтимоий эҳтиёжманд тоифалари учун ижтимоий кўмаклашиш ва маслаҳатлар бериш хизматини олайлик. Бу уларнинг умумий ўрта, ўрта махсус ва касбий таълим олиши, ишга жойлаштириш, уй-жой, маиший ва моддий ёрдам, техник реабилитация воситаларини олишда кўмаклашиш каби хизматларни ўз ичига олади. Қонунда ҳоимийлик ва

кўрсатиш самарадорлигини ошириш соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий йўналишлари аниқ белгилаб кўйилган.

Унга кўра, ижтимоий хизматларга мўлжал қилинган ўз вақтида аниқлаш, ҳисобга олиш ва уларга ижтимоий хизматлар кўрсатиш, уларнинг оила ва жамият билан алоқаларини сақлаш, қулай муҳитда бўлиши учун шароитлар яратиш, давлат органларининг ижтимоий хизматлар билан боғлиқ фаолиятининг очик-ошкоралигини таъминлаш ҳамда соҳада ижтимоий шерикчиликни ривожлантириш давлат сиёсатининг асосий йўналишларига киради.

Ушбу нормалар инсон манфаатини ҳимоя қилиш, барча фуқаролар муносиб турмуш кечириши учун кенг шароит яратиш билан бир қаторда пенсионерлар, имконияти чекланган кишилар давлат ҳамда жамият эътиборидан четда қолмаслигини таъминлайди.

васийликни белгилаш, фарзандликка олиш, болаларни оилада тарбиялашга олиш (потранат) ва уларни интернат муассасаларига жойлаштириш, ота-оналар ёки уларнинг ўринини босувчи шахсларни болалар интернат муассасалари тарбияланувчиларини тайёрлаш масалалари ҳам белгиланган.

Алоҳида таъкидлаш керакки, бу бўйлағи ишлар тизимини йўлга қўйишда партиянинг дастурий мақсадлари амалга оширишга, электротар манфаатлари ҳимояси таъминлишига хизмат қилади.

Одамларнинг турмуш тарзи, кайфияти, амалга оширилаётган ислохотларга муносабати қандай бўлиши, аввало, улар қай даражада ижтимоий ҳимояланганлиги билан бевосита боғлиқ.

Лазиза ШЕРОВА,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

21 ОКТЯБРЬ — ЎЗБЕК
ТИЛИГА ДАВЛАТ МАҚОМИ
БЕРИЛГАН КҮН

■ Давлат тилига ҳурматда бўлиш, унинг бой имкониятларини ўрганиш ҳар биримизнинг муқаддас бурчимиз

ОНА ТИЛИМ — ЖОНУ ДИЛИМ

Ўзбек тилига давлат тили мақоми берилганига 27 йил тўлди. 1989 йил 21 октябрда қабул қилинган Қонун, ҳеч шубҳасиз, фавқулодда муҳим тарихий воқеа, эрк йўлида ташланган дадил қадам, ўзига хос истиқлол, икки йилдан кейин келадиган улуг Мустақиллик йўлига тўшланган бахмал пойандоз эди.

Бу қутлуг галаба юрт шаъни, миллат тақдири учун узоқ вақт давомида олиб борилган, ўтган аср саксонинчи йилларининг иккинчи ярмидан кескинлашган курашлар натижаси эди. Бобокалонларимиз Маҳмуд Қошғарий тилимизнинг беқиёс бойлигини асослаб, Алишер Навоий, Мирзо Бобур, Бобораҳим Машраблар улўғлигини кўрсатиб берган, машҳур адибларимиз шох асарларида камолу жамолни намоян этган, ҳадид мутафаккирлари чор босқини, қизиллар босими сабаб ночор ҳолга тушиб, таъсир доираси камайиб бораётган тилимиз учун куйиниб, койинишлари, саяб-ҳаракатлари натижаси эди.

Она тил учун қайғуриш миллат тақдир, Ватан тақдир, ўзлик учун қайғуриш, курашнинг муҳим ҳалқаси эди. Бу курашнинг авж нуқтаси 1989 йилга тўғри келди, ёз ойида қонун лойиҳаси эълон этилиши, кузга бориб қонун қабул қилиниши билан хотима топди, йўқ, давлат тили мақоми оланган она тилимиз истиқболи ҳақида қайғуриш янги босқичга кирди ва бу ҳаракат йиллар оша давом этди ва давом этажак.

Ушба кезларда масъул вазифада ишлаб, тил комиссиясига бошчилик қилган академик Бахтиёр Назаровнинг хотирлашича, республиканинг янги раҳбари Ислон Каримов тил масаласига алоҳида эътибор қаратди, лойиҳани кенг ҳалқ муҳокамасига қўйиш ташаббускори бўлди, одамлар қўлида борини тўкиб солишин, айтишин, ёзишин, деди. Мустабид тузум даврида халқимизнинг ичига ютган қард-армонлари кўп экан, комиссияга келган беш мингдан ортиқ хат-хабар, талаб, тақлифлар бунинг далолати. Муҳокама тўрт ой давом этди, яна чўзилиши мумкин эди.

Ислон Каримов «Давлат тили тўғрисида» қонун қабул қилган Олий советнинг ўн биринчи сессиясига сўзлаган «Тил элчи бирлаштириши лозим» номли нутқида жумладан, шундай деган эди: «Ўз она тилини билмаган одам ўзининг шажарасини, ўзининг илдинини билмайдиган, келажакни йўқ одам, киши тилини билмайдиган унинг дилини ҳам билмайди, деб жуда тўғри айтишди... Ҳар қандай миллат, катта ё кичиклигидан қатъи назар, ўз она тилини ҳурмат қилади».

Матбуотда илк бор эълон қилинган лойиҳа кўпчиликини қониқтирмаган, иккинчи лойиҳа, уни тайёрлашда аҳолининг катта қатлами қатнашгани, жиддий қайта ишлангани боис, маъқул топилган. Матбуотнинг мураккаблиги шунда эдики, асосий кўпчилик бир тил — ўзбек тили давлат тили бўлиши лозимлиги, бу табиий ва мантиқийлигини астойдил маъқулласа, баъзилар икки тилга, жумладан, рус тилига ҳам давлат тили мақоми берилишини хоҳлашди, ўзимиздагилардан ўз лойиҳасини тақдим этганлар бўлди.

Хайратки, соғлом мантик, адолат кучи ғойиб келди. Лекин бунга осонликча эришилгани йўқ. Тилимиз тақдирига, қонун қабул қилиниши тарихига қизиққан ёшлар, мутахассислар ўша кезлардаги босма нашрлар таҳлавларини ва рақлаб, мавзуга доир материалларни ўқиб кўришсин.

Оммавий ахборот воситалари катта-кичик, ранг-баранг материаллар бериб,

нашриётлар турфа китоб, тадқиқотлар чоп этиб борди. Телевидениемизнинг «Тилга эътибор — элга эътибор» кўрсатувини, радиомизнинг мунтазам эшитиришларини, «Ешлик» журналининг «Тил сандиғи» руҳни материалларини, «Ўзбекистон овози» саҳифаларидаги Атамашунослик комиссияси тақлиф, тавсияларини эслаш жоиз.

Илк лойиҳа эълон қилинган кезларда халқ холис сўз, қатъий фикрга илҳақ, маҳтал бўлиб турганда ортиқча эҳтиёткорлик қилиб, «кўралик-чи, бўғи қандай бўларкин, тарозининг қайси палласи босиб кетаркин», дея қўтиб, сукут сақлаб турган айрим таникли тилшунослар ҳам отни қамчилаб қолишди, катта-кичик китоб, тадқиқотлар нашр этила бошланди.

Тилимизга Давлат тили мақоми берилганига 27 йил тўлди. Ушбу сана узоқлашгани сари хос қонуннинг аҳамияти, кучи тобора кўпроқ аён бўлиб борапти. Ўтган йиллар давомида Республикада Биринчи Президенти, ҳукуматимизнинг тилга доимий, катта ғамхўрлигининг гувоҳи бўлди. Ҳар йили октябрда тил байрамининг кенг нишонланиши, соҳага оид дарслик, қўланма, луғат, рисолалар яратилиши, қўлаб мақолалар, суҳбатлар эълон қилиниши, кўп жилдлик «Изоҳли луғат»нинг юзага келиши, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети, Самарқанд давлат чет тиллар институти фаолияти, янги факультет, кафедралар очилиши, Ўзбек тили ва адабиёти университети ташкил этилиши ва ҳоказо бунинг далилидир.

2012 йил 10 декабрда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 12 банддан иборат қарори қабул қилинди. Унда хорижий тилларни ўрганиш янада ривожлантириш бўйича Мувофиқлаштирувчи марказ ташкил этилиши, ЎзДЖТУни унинг ишчи органи қилиб белгилаш қайд этилган эди. 2013 йил 23 майда давлатимиз раҳбари, Биринчи Президентимиз «Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети»нинг фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида»ги яна бир қарорга имзо чекди. Ярим йил ичида бир олий ўқув юрти ҳақида иккита қарор чиқиши ва тўлиқ амалга оширилиши ҳар қанча фахрланса арзигулик фавқулодда мурувват эди. Жаҳон тиллари университети, деган қутлуг ном билан аталувчи ўқув-тарбия маскани зиммасига катта масъулият юкланди.

Университет жамоаси бу ғамхўрликка жавобан юртимизни жаҳонга, жаҳонни юртимизга таништиришга хизмат қиладиган юқори малакали тилшунос, адабиётшунос, ўқитувчи, халқаро журналистлар, моҳир таржимонлар етиштириш учун астойдил ҳаракат қилмоқда. Қайси тилни ўрганмайлик, фикри-зиримиз жону дилимиз — она тилимизда, уни бойитиш, сайқал топтириш, муҳофаза қилиш, мавқеини оширишга қаратилган. Янги ташкил этилган Ўзбек тили ва адабиёти университети муҳим вазифаларидан бири ҳам шунда, деб ўйлайман.

Сайди УМИРОВ,
Ўзбекистон Республикасида
хизмат кўрсатган
ёшлар мураббийси, ёзувчи.



Ў.А. Сурати.

ТАФАККУР ҲАЗИНАСИ

Ҳар бир миллат, ҳар бир халқ учун она тили муқаддас ҳисобланади. Тил унинг яратувчиси — халқнинг, миллатнинг тарихи ва маданиятини ўзида муҳассам этади. Айни вақтда, у жамиятни ривожлантириш омили, миллатнинг ажралмас ҳусусияти ва давлатнинг суверенлигини кўрсатувчи белгилардан бири саналади.

Дунёда олти мингдан зиёд тил ва диалектлар мавжуд бўлиб, шундан фақатгина юзга яқини давлат мақомига эгадир. Улар орасида ўзбек тили ҳам борлиги бизда ифтихор туйғусини уйғотади.

Мамлакатимизда 1989 йил 21 октябрда — «Давлат тили ҳақида»ги Қонун қабул қилинган бўлса, 1992 йилда мустақил Ўзбекистон Конституциясида давлат тилининг ҳуқуқий мақоми мустаҳкамлаб қўйилди.

Ўтган йиллар давомида хорижда ҳам ўзбек тилини ўрганишга қизиқиш ошганлигини кўришимиз мумкин. АҚШ, Япония, Жанубий Корея, Хитой ва бошқа бир қатор давлатларнинг етакчи университетларида ўзбек тили ва адабиёти кафедралари ҳамда турли хил ихтисослаштирилган марказларнинг очилаётганлиги бунинг яққол тасдиғидир.

Давлатимиз барча фуқароларга нафақат давлат тилини ўрганишни ва ўрта-мақсус таълим олишни кафолатлайди, балки рус, қорақалпоқ, тожик, қозоқ, қирғиз, туркман ва республикада истиқомат қилувчи бошқа миллат тилларини ўрганишга ҳам шaroит яратиб берилади. Мамлакатимиздаги телерадиокомпания ва радиостудиялар ўндан ортиқ тилда кўрсатув ва эшитириш олиб боради. Бу эса Ўзбекистонда яшовчи миллат ва халқларнинг тилларига нисбатан ҳурмат намояни ҳисобланади.

Ҳозирги пайтда давлат ҳокимияти, маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органларининг

меъёрий ҳужжатлари давлат тилида қабул қилинмоқда. Шаҳар ва қишлоқлар, маҳалла, кўча, хиббон ва майдонлар, Тошкент метрополитени бекатлари миллий қадриятларга асосланган ҳолда ўз номларига эга бўлиб бормоқда.

Ўзбек тилшунослари, ёзувчилар, олимлар ва шоирларнинг умумий ҳаракатлари билан ўзбек тилини ривожлантириш бўйича узуқсиз жараён давом этмоқда. Жумладан, 5 жилдлик «Ўзбек тилининг изоҳли луғати» нашр этилди. Мазкур китоб замонавий адабиётда фойдаланиладиган 80 мингдан ортиқ сўз ва сўз бирикмалари, илмий, техник, санъат, маданият ва бошқа соҳаларда ишлатиладиган атамалар, диалектизмлар ва тарихий сўзларни ўзида муҳассам этган. Шу билан бирга, 2 жилдлик «Ўзбек-рус тили луғати», «Ўзбек тилининг қиёсий луғати», «Ўзбек мумтоз адабиёти луғати» ва бошқа қўланмалар чоп этилди.

Ҳозирги пайтда ўзбек тилини қўллаш қўлими кенгайиб, ахборот-коммуникация, компьютер технологиялари ва Интернет, аниқ фанлар, тиббиёт, иқтисодиёт, ҳуқуқ ва бошқа соҳаларга татбиқ этиб келинмоқда. Ўзбек тилидаги атамалар ва байналмилал сўзларни қайта кўриб чиқишга алоҳида эътибор қаратилди. Атамаларни тизимлаштириш, бир-бирига мослаштириш, янги тушунарларни англатувчи сўзларни танлаш жараёни давом этапти. Ўзбек тилини илмий асосда ривожлантириш мақсадида фундаментал, амалий ва инновацион

тадқиқотлар ўтказилиб, қўлаб илмий-оммабоп китоблар, рисолалар, ўқув қўланмалар, луғатлар нашр этилди. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Давлат тили ҳақида»ги Қонунни амалга ошириш давлат Дастурига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қарорига мувофиқ, «O'zbekig dasturlari» электрон нашриётлар тахририяти билан ҳамкорликда 120 минг сўзни ўз ичига қамраб олган «Iboga» ўзбек-рус-инглиз электрон луғати яратилди. Мазкур дастур ўзбек тилидан рус ва инглиз, инглиз тилидан ўзбек ва рус ҳамда рус тилидан ўзбек ва инглиз тилига таржимани амалга оширишга имкон яратди. Луғатнинг яна бир қулайлиги шундаки, ўзбек тилидаги сўзлар нафақат кирилл ёзувида, балки лотин ёзувида ҳам берилган.

Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президентининг жорий йил 13 майда қабул қилинган «Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети» ташкил этиш тўғрисида»ги фармони мустақиллигимизнинг 25 йиллик байрами арафасидаги муҳим воқеалардан бири бўлди. Университетда ўқитиладиган филологияси, ўзбек тили ва адабиётини ўқитиш, ўзбек-инглиз таржима факультети ташкил этилди. Бу факультетлар биринчи ўринда она тилимизни қўллаш доирасини кенгайтиришга, унинг тарихий илдиларини чуқур ўрганишга хизмат қилади.

Тил халқнинг маънавият кўзгуси, тафаккур ҳазинаси маҳсулидир. Айнан шунинг учун давлат тилига ҳурматда бўлиш, унинг бой имкониятларини ўрганиш ҳар биримизнинг муқаддас бурчимиз саналади.

Омонулло МУҲАММАДЖОНОВ,
юридик фанлар доктори.

■ ДИҚҚАТ, ТАНЛОВ!

Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди республикадаги босма ва интернет нашрлар, ахборот агентликлари журналистлари ва фотожурналистлари учун «Жамият ва мен» танловини эълон қилади.

«ЖАМИЯТ ВА МЕН»

Танловга жамият учун муҳим аҳамиятга эга, мамлакатимиздаги ижтимоий-сиёсий, социал-иқтисодий, маърифий-маданий, ҳуқуқий соҳалардаги ислохотларнинг бориши, жамиятнинг фаол аъзолари ташаббуслари билан ўзаро ижтимоий шерик ҳамда жамоатчилик назоратини қўлайлаштиришга қаратилган ижодий ишлар қўлидаги йўналишлар бўйича қабул қилинади.

Танлов Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат ношароат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонднинг молиявий қўмағида ўтказилади.

Танлов йўналишлари:

- Ижтимоий мавзуда ёритилган энг яхши материал;
- Иқтисодий мавзуда ёритилган энг яхши материал;
- Тарихий ва маданий мавзуда ёритилган энг яхши материал;
- Сиёсий мавзуда ёритилган энг яхши материал;
- Илмий-техник мавзуда ёритилган энг яхши материал;
- Спорт мавзусида ёритилган энг яхши материал;
- Ижтимоий шериклик мавзусида ёритилган энг яхши материал;
- Жамоатчилик назорати мавзусида ёритилган энг яхши материал.

Махсус номинациялар:

- «Ўз даврининг қаҳрамони» мавзусида энг яхши мақола;
- «Соғлом она ва бола йили» Давлат дастури доирасида ёзилган энг яхши мақола.

Танловни ўтказиш шартлари ва тартиби:

Танловга номзодлик учун тақдим этиладиган материаллар 2016 йил 1 январдан 10 ноябргача босма нашрларда чоп этилган бўлиши керак. Улар юксак касбий даража билан ажралиб туриши ва қўйилганлардан иборат бўлиши мақсадга мувофиқ:

- тақдим этилган мавзуга мувофиқлик;
- мавзунинг ёритишда асослилик ва ўзига хослик;
- материалнинг маънодорлиги ва тушунарлилиги;
- аниқ ва ишончли маълумот.

Танловда иштирок этиш учун аризалар мазкур эълон чоп этилган вақтдан бошлаб 10 ноябргача қўлида қабул қилинади. Мурожаат учун тел.: (0-371) 244-14-28.

Ҳар бир номинация бўйича танлов ғолиблари махсус диплом ва нoutбук билан тақдирланади.

Танловга юборилган материаллар қайтариқсиз, улар учун тақриз ёзилмайди ва ҳақ тўланмайди.

Ташкилий қўмита

Иккинчи марказий поликлиника маъмурияти ва Касаба уюшма қўмитаси поликлиника Бош шифокори Аббосхон Алимовга онаси **Хури НОСИРХОНОВА**нинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

■ ТАҚДИМОТ

ЎЗБЕКИСТОН ОБИДАЛАРИДАГИ БИТИКЛАР

Пойтахтимизда мустақиллигимизнинг 25 йиллиги ҳамда «Uzbekistan Today» ахборот агентлиги ташкил этилганлигининг 10 йиллиги муносабати билан «Uzbekistan Today» АА томонидан ЮНЕСКОнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси, Электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси қўмағида ва бошқа ташкилотлар билан ҳамкорликда «Узоқ ўтмишдан мактулар: Ўзбекистон обидаларидаги битикларда таълим, маърифат, тинчлик ва бунёдкорлик» мавзусида «Ўзбекистон обидаларидаги битиклар» лойиҳасининг тақдимот маросими бўлиб ўтди.

Давра суҳбати қўринишидаги тадбирда Ўзбекистон Республикаси илмий жамоатчилиги, давлат, жамоат, шунингдек, халқаро ташкилотлар, дипломатик миссиялар, ОАВ вакиллари иштирок этди.

Тадбир иштирокчилари диққатига ўзбек, рус ва инглиз тилларидаги Қорақалпоғистон Республикаси, Андижон,

Бухоро, Навоий, Наманган, Сурхондарё, Фарғона, Хоразм, Қашқадарё вилоятлари ва Тошкент шаҳри, бундан ташқари Самарқанд вилоятининг икки тарихий меъморчилик мажмуалари — Регистон ва Шоҳи Зиндага бағишланган 12 китоб-альбомдан иборат туркум тақдим этилди.

— Аждодларингиз қолдирган қўна битиклар туркум наши мамлакатимиздаги бетақдор обидалардаги ёзувлар билан танишиш имконини берди, — дейди ЕХХТнинг Ўзбекистондаги лойиҳалари координатори Жон Макгрегор. — Бу тарихий ёзувлар наинки Ўзбекистон, балки бутун дунё тамаддуни учун ҳам аҳамиятлидир.

Тадбирда таъкидланганидек, эпиграфика ёдгорликлари маданий мероснинг нафақат мамлакатимизда ёки ислом олами, балки бутун дунё тамаддуни ўзида акс эттирувчи энг ёрқин ва аққол намунаси ҳисобланади. Бундан ташқари, Ўзбекистон обидаларидаги битиклар осни бўйича жаҳонда етакчи ўринлардан

бирида туради. Бироқ турли сабабларга кўра, ушбу битиклар ҳалигача ўрганилмаган ва нашр этилмаган. Масалан, ҳисоб-китобларга кўра, Амир Темур даврига оид ёдгорликлардаги битикларнинг бор-йўғи ўн фоизни ўқилгани, ўрганилгани ва қисман чоп қилинганлигини айтишнинг ўзи етарли. Шу сабабли маданий меросимизнинг энг ёрқин ва аҳамиятли саҳифалари фанга, халқимиз ҳамда мамлакатимиз меҳмонлари учун маъмулмилгича қўлиб келган. Илмий тадқиқотлар жараёнида меъморчилик ёдгорликларидagi 1500 дан ортиқ битик (уларнинг кўпчилиги илк марта) ўқилди ва таржима қилинди. Жумладан, улар орасида 200 дан ортиқ шеър, панд-насихат, ҳикматлар, 150 дан ортиқ уста ва хаттотлар исмлари, 300 та диний ва 150 та бағишлов матнлари, 150 та хронограмма, 100 та тарихий саналар, 100 ҳукмдорларнинг фармойишлари ва бошқалар мавжуд.

Кези келганда таъкидлаш керакки, Ўзбекистон обидаларидаги қўлаб

битикларнинг доно мурожаат, панд-насихат, шеърый насихат, тарихий воқеалар тўғрисидаги маълумотларни қамраб олганлиги, ҳар бир инсонни таълим олиш, маърифатли бўлиш, тинчлик ва бунёдкорлик сари қорлаши уларнинг ниҳоятда муҳим аҳамиятидан дарак беради. Айнан мана шу жиҳатлар мазкур тақдимотнинг шioriдир. «Ўзбекистон обидаларидаги битиклар» туркум нашрининг муқовасида Ўзбекистоннинг қадимий ёдгорликларидан бири ҳисобланган Сурхондарё вилоятидаги Ҳаким ат-Термизий ёдгорлик мажмуасидаги «Ким илм талабиди бўлса, жаннат ҳам унинг талабиди бўлади» битиги ўйиб ёзилгани бежизга эмас.

Ҳар бир китобда мана шундай ўнлаб эпиграфия (қабер тошига битилган ёзув), яхшиликни тарғиб қилувчи битиклар, мурожаат ва қаҳриқлар тақдим этилган.

Алоҳида қайд этиш керакки, қўл йиллар давомида мутахассислар ушбу битикларни тадқиқ қилишга уриниб келмоқдалар. Мақорати усталар

томонидан битилган асрий монограмма ва бошқа матнларнинг тўғри талқини борасида юзага келган илмий мунозаралар бугун ҳам давом этмоқда. Аммо қадимий ўзбек заминиди жойлашган тарихий обидалардаги битикларни ўрганиш шу пайтгача тўпаллигича амалга оширилмаган, шу билан бирга чоп ҳам этилмаган. «Ўзбекистон обидаларидаги битиклар» туркум нашрининг чоп этиш ушбу йўналишдаги биринчи кенг миқёсдаги лойиҳа ва у Ўзбекистон меъморий обидаларидаги битикларнинг ўзига хос жамланмаси бўлиб қолади.

Тадбирда таъкидланганидек, тақдим этилаётган туркум йирик лойиҳанинг биринчи босқинини ўзида муҳассам этган бўлиб, бу борада ишлар яна давом эттирилади. Шунингдек, кейинги жиллар бутун Ўзбекистон обидаларидаги ўрганилмаган битикларни қамраб олади.

Абдусалим МАҲМУДОВ,
«Ўзбекистон овози» муҳбири.

ЖОРИЙ ЙИЛНИНГ ЎТГАН 9 ОЙИ МОБАЙНИДА БОЖХОНА ОРГАНЛАРИГА 77 МИНГДАН ОРТИҚ МАЪЛУМОТЛАР ОЛДИНДАН ЭЛЕКТРОН ТАРЗДА ТАҚДИМ ЭТИЛГАН, БУ ЧЕГАРАДАН ЎТГАН ЖАМИ ЮК ТАШУВЧИ АВТОТРАНСПОРТ ВОСИТАЛАРИНИНГ 84,8 ФОИЗИНИ ТАШКИЛ ЭТГАН.

ФУТБОЛ

■ Футбол бўйича ёшлар (U-19) терма жамоамиз Осиё чемпионатида мuddатидан олдин чорак финалга чиқди.

ЁШЛАРИМИЗ — ЧОРАК ФИНАЛДА!



Шу кунларда Бахрайнда футбол бўйича ёшлар (U-19) ўртасида давом этаётган Осиё чемпионати финал босқичи қизгин паллага кирди.

Мусобақанинг «Д» гуруҳида катнашаётган Ўзбекистон ёшлар терма жамоаси иккинчи турда австралиялик тенгқурларига қарши майдонга чиқди. Дастлабки учрашувда Тожикистон футболчилари устидан ғалаба қозongan (2:1)

ҳамюртларимиз навбатдаги ўйинни ҳам кўтаринки кайфиятда ўтказди.

Биринчи бўлимда Бобир Абдухоликов ҳамда Достон Ибрагимовларнинг аниқ зарбаларидан сўнг ҳисоб 2:0 бўлди. Танафусдан

кейин Достон рақиб дарвозабони иккинчи бор доғда қолдирди — 3:0.

Аксарият мухлисларимиз учрашувда ёшларимизнинг йирик ҳисобдаги ғалабасига умид билдиришаётган паллада футболчиларимиздан бири майдондан четлатилди. Австралияликлар бундан унумли фойдаланиш учун ҳужумни кучайтиришди. Ҳакам икки марта бизнинг дарвоза томон пенальти белгилади. Яқуний ҳисоб — 3:2.

— Кучли жамоага қарши қийин ўйин ўтказдик, — деди учрашувдан сўнг терма жамоамиз бош мураббийи Жасур Абдураимов. — Бугунги ғалаба жуда муҳим эди ва мuddатидан илгари чорак финалга йўлланма олдик. Мақсади-миз ҳар бир ўйинда ғалаба қозониб, Осиё чемпионлигини қўлга киритишдир.

Гуруҳдаги иккинчи учрашувда эса Тожикистон ёшлари хитойликлардан устун келди — 2:0.

Таквимга кўра, Ўзбекистон ёшлар терма жамоаси гуруҳдаги охириги ўйинни Хитой вакиллари-га қарши 21 октябрь кuni ўтказди.

Яна беш турдан сўнг

футбол бўйича ғолиб ва совриндорлар номи маълум бўлади

Мавсум охиригача сайин Ўзбекистон XXV миллий чемпионати олий лига жамоалари учрашувлари шиддатли тус олмақда. Жумладан, йигирма бешинчи тур баҳслари ҳам қўйилган ва қўйилмаган натижаларга бой бўлди.

Турнинг марказий учрашуви Тошкентда «Бунёдкор» — «Насаф» жамоалари ўртасида кечди. Унда Элдор Шомуродов киритган ягона гол бунёдкорчиларга муҳим уч очкони тақдим этди — 1:0.

Яна бир қизиқарли ўйинга мухлислар Фарғонада гувоҳ бўлишди. Унда «Нефчи» футболчилари «Пахтакор» жамоаси устидан 1:0 ҳисобида ғалаба қозонди.

Турнинг қолган олти учрашувида қуйидаги натижалар

қайд қилинди: «Металлург» — «Қизилқум» — 1:0, «Локомотив» — «Қўқон-1912» — 4:0, «Навбахор» — «Бухоро» — 1:2, «Сўғдиёна» — «Обод» — 2:1, «Машъал» — «Олмалик» — 2:1, «Шўртан» — «Андижон» — 2:0.

18 октябрь кuni эса йигирманчи турнинг кечиктирилган икки ўйини бўлиб ўтди. Унда «Олмалик» — «Бунёдкор» (0:2), «Машъал» — «Локомотив» (0:4) жамоалари ўзаро баҳс юритишди.

Йигирма олтинчи тур ўйинлари 22 ва 24 октябрь кунлари бўлиб ўтди.

Эркин ХОЛБОБО,
«Ўзбекистон овози» муҳбири.

РЕКЛАМА ЎРНИДА

Qishloq Qurilish Bank

АТБ «Қишлоқ қурилиш банк» намунавий лойиҳалар асосида қуриляётган уй-жойларни олувчи фуқароларни қўллаб-қувватлаш мақсадида қуйидаги омонат турларини таклиф этади:

«Мадад» — маблағлар 1 йилдан кам бўлмаган мuddатга қабул қилинади;

«Қурилишга бошланғич бадал» — мuddати — 1 йил.

Сизнинг омонатларингиз Фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш фонди томонидан кафолатланади.

Мурожаат учун:
(+998 71) 150-72-58, 150-39-93
www.qqb.uz

Қишлоқ қурилиш банк —
фаровон ҳаётингиз хизматида!



Хизматлар лицензияланган.



ВНИМАНИЮ РУКОВОДИТЕЛЕЙ ПРЕДПРИЯТИЙ, ФИРМ И ОРГАНИЗАЦИЙ!
ГУП «TOSHKENT XALQARO AEROPORTI»
объявляет открытые тендерные торги

по закупке Рентгенотелевизионной системы безопасности для досмотра ручной клади и багажа (интроскоп) в количестве 3 ед. для нужд а/п «Ташкент».

1. **Заказчик** — ГУП «Toshkent Xalqaro Aeroporti», 100167, г.Ташкент, Узбекистан, ул. Кумарик, 13.

2. **Форма торгов** — открытый тендер.

3. **Предмет тендера** — выбор Компании-Поставщика по поставке Рентгенотелевизионной системы безопасности для досмотра ручной клади и багажа (интроскоп) в количестве 3 ед. для нужд а/п «Ташкент».

4. **Условия поставки** — СІР — Аэропорт «Ташкент» согласно «INCOTERMS-2010».

5. **Валюта платежа** — доллар США.

6. **Условия платежа** — 30% предоплата в течение 20-25 дней со дня вступления контракта в силу, окончательная оплата — 70% в течение 15-20 дней по факту поставки товара и оформления груза на импорт (40 (свободное обращение)).

7. **Максимальная цена** — составляет 170 000 (сто семьдесят тысяч) долларов США.

8. **Производитель оборудования** — европейские страны.

9. **Тендерные требования к поставщику:** в тендере могут принять участие как иностранные фирмы и организации, так и отечественные производители (поставщики), выполнившие предъявляемые условия для участия в нем, имеющие опыт поставки

соответствующих объемов и характера закупаемой продукции. Победитель тендера должен обеспечить сохранение цены тендерного предложения со дня объявления его победителем и действовать в течение всего срока действия контракта до полного его завершения. К участию в тендере не допускаются организации и фирмы, находящиеся в стадии реорганизации, ликвидации или банкротства, не представившие в установленный срок все необходимые документы, ненадлежаще исполнявшие принятые обязательства по ранее заключенным договорам, учрежденные менее двух лет до объявления тендера, находящиеся в состоянии судебного или арбитражного разбирательства с заказчиками, не отвечающие требованиям тендерной комиссии по коммерческим и финансовым показателям.

10. **Желающих принять участие в тендерных торгах** просим направлять свою заявку на e-mail: orms.tas@uzairways.com или по факсу: (+99871) 255-46-59.

Заявки на тендерные торги принимаются по адресу: Узбекистан, 100167, г.Ташкент, ул. Кумарик, 13. Комиссии по тендерным торгам
Тел./факс: (+99871) 255-46-59

Заявка должна быть оформлена на фирменном бланке организации, заверена подписью руководителя и печатью, иметь входящий номер и дату. В заявке указать информацию об организации, с какого периода учреждена компания и референт поставок специализированного оборудования по безопасности.

11. **Технические характеристики оборудования** высылаются бесплатно после рассмотрения заявки от поставщика на участие в тендере, отвечающего запрашиваемым требованиям к поставщику (п. 9; п.10) в течение двух дней.

12. **Стоимость тендерной документации и величина задатка.** Стоимость тендерной документации составляет 100 (сто) долларов США, сумма задатка составляет 2000 (две тысячи) долларов США. Задаток и оплата за тендерную документацию вносятся в долларах США отдельным платежным поручением на субсчет ГУП «Toshkent Xalqaro Aeroporti», который предоставляется после рассмотрения заявки от поставщика в течение двух дней. Отечественные поставщики оплачивают стоимость тендерной документации и вносят задаток в национальной валюте «сум» по курсу Центрального банка Республики Узбекистан. После объявления победителя в тендерных торгах задаток, внесенный за участие в тендерных

торгах, будет возвращен за вычетом издержек на проведение банковских операций. Победителю тендера задаток будет возвращен после заключения контракта на поставку оборудования.

13. **Инструкция участнику тендерных торгов** высылается после получения официальной заявки и копии платежного поручения о внесении оплаты за тендерную документацию (п.12) в течение двух дней.

14. **Тендерное предложение** будет приниматься только при наличии в конверте №1 платежного поручения о внесении задатка (п.12) за участие в тендерных торгах.

15. **Сроки проведения тендерных торгов.** Тендерные торги будут проводиться с 21.10.2016 г. по 02.12.2016 г. Прием тендерных предложений завершится 21.11.2016 года в 17.00 по местному времени. Указанные сроки в зависимости от обстоятельств могут быть скорректированы тендерной комиссией ГУП «Toshkent Xalqaro Aeroporti».

Дополнительную информацию для участников тендерных торгов можно получить по телефону: (+99871) 255-46-59, (+99898) 363-22-53, контактное лицо — Гостенин Геннадий Геннадьевич, инженер снабжения ГУП «Toshkent Xalqaro Aeroporti».

Услуги лицензированы.

РЕКЛАМА

ЗАВОД «КРАНЫ И СПЕЦТЕХНИКА»

ПРОИЗВОДИТ И РЕАЛИЗУЕТ ПОД ЗАКАЗ:



- ▶ Автокраны — 16, 25, 32, 50 т.
- ▶ Краноманипуляторы — 3, 5, 10 т.
- ▶ Ямобуры.
- ▶ Автовышки — 11, 18, 22, 28, 31м.
- ▶ Самосвалы — 3т, 4.5т, 9т.

ГАРАНТИЯ
1 ГОД

Адрес: Республика Узбекистан, г. Ташкент.
Тел./факс: (+99871) 262-97-78, (+99871) 262-23-61.
Моб.: (+99890) 188-15-33, (+99890) 187-52-05.

E-mail: cst2008@mail.ru Web-site: www.avtokran.uz, www.krantas.uz

Товары сертифицированы.

MUASSIS:



O'ZBEKISTON
XALQ DEMOKRATIK
PARTIYASI
MARKAZIY KENGASHI

Bosh muharrir: Safar OSTONOV

TAHRIR HAY'ATI:

Abdulla ORIPOV
Hotamjon KETMONOV
Ulug'bek VAFOYEV
Rustam KAMILOV

Saidkamol
XODJAYEV
Muslihiddin
MUHIDDINOV
Ochilboy RAMATOV

Saidahmad RAHIMOV
Farrux HAMROYEV
(Bosh muharrir birinchi o'rinbosari)
Tat'yana KISTANOVA
(Bosh muharrir o'rinbosari)

Qabulxona — 233-65-45

Xatlar va murojaatlar uchun — 233-12-56

E-mail: info@uzbekistonovozi.uz

MANZILIMIZ:
100000, Toshkent,
Matbuotchilar
ko'chasi, 32-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi boshmaxonasida chop etildi.
Korxonamiz: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi — 2 bosma taboq.

Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.
«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 1059
8798
nuxxada
bosildi.
Nashr ko'rsatkichi — 220
t — Tijorat materiallari
O'za yakuni — 23:18
Topshirilgan vaqti — 00:00

Sotuvda kelishilgan narxda

Navbatchi:

Alisher RO'ZIYEV

Sahifalovchi-dasturchilar:
Zafar BAKIROV
Behzod ABDUNAZAROV

ISSN 2010-7633



1 2 3 4 6